

Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 10 февраль, № 27 (9198)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ: ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ВА ИЛМ-ФАН РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 февраль куни қишлоқ хўжалигида янги ерларни ўзлаштириш ва соҳада илм-фанни янги босқичга олиб чиқиш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Ирригация ва мелиорация тадбирлари натижасида сўнгги беш йилда 826,5 минг гектар ер қишлоқ хўжалиги фойдаланишига киритилди. Шунинг 409 минг гектари суғориладиган ерлар ҳисобига, 418 минг гектари эса лалми ва яйлов ерларда ер ости сувларидан фойдаланиш ҳамда кам сув талаб қиладиган экинларни жойлаштириш орқали ўзлаштирилди.

2030 йилгача яна 938 минг гектар яйловларни ўзлаштириш ва ҳолатини яхшилаш режалари тақдимот қилинди.

Хусусан, 2026-2027 йилларда 620 минг гектар яйлов тикланиб, шунинг 300 минг гектариди яйлов ўсимликлари экилади, 130 минг гектариди қудуқлар ўрнатилади. Натижада 960 минг бош майда шохли мол боқиш, ғўшт ва жун ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконияти яратилади.

Янги ерларни ўзлаштиришда ҳар бир ҳудуд бўйича аниқ инвестор ва лойиҳа асосида иш ташкил қилиш зарурлиги қайд этилди.

Қишлоқ хўжалигида илм-фанни янги босқичга олиб чиқиш учун амалдаги институционал инфратузилмани ўзгартириш вақти келгани қайд этилди. Шу мақсадда соҳадаги 22 та илмий марказ, 260 та лаборатория ҳамда 2,5 мингдан ортиқ олим ва илмий ходимларни ягона тузилма — Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясига бириктирилиши белгиланган.

Тақдимотда биотехнология ва молекуляр биология, ген инженерияси ва гибрид уруғчилик, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, космик ва дрон технологиялари, ерлар деградацияси ҳамда соғлом tupрок, органик қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат хавфсизлиги, ветеринария, рақамли қишлоқ хўжалигини академия фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида белгиланган тақдир этилди.

Академия фаолиятини самарали йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирда Тошкент давлат аграр университетиди 13,6 минг талаба тахсил олаётгани, бироқ ўқув жараёнининг амалиёт билан етарлича боғланмагани сабабли битирувчиларнинг атиги 55 фоизи ўз соҳасида ишлаётгани кўрсатиб ўтилди.

Шу муносабат билан таълим, илмий тадқиқот ва ишлаб чиқаришни узвий боғлайдиган тизим яратиш, меҳнат бозори талабига мос етук мутахассислар тайёрлаш вазифалари белгиланди.

Жумладан, келгусида университет талабаларининг 6,8 минг нафари ишлаб чиқарувчи ташкилотлар,

корхоналар ва агрокластерларда, 2,6 мингдан зиёди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги 22 та илмий-тадқиқот институтида амалиёт ўтади.

Шунингдек, фермер ҳамда унинг ходимлари фарзандларининг тест синовларида баллари қабул параметрларига етмаганда, миқдори камайтирилган тўлов-контракт асосида университетга қабул қилиш, етти таълим йўналиши бўйича ўқиш давомийлигини 4 йилдан 3 йилга қисқартириш тақдир этилди. Талабаларни тракторчи-машинист гувоҳномаси ва агродронлардан фойдаланишга ўқитиш йўлга қўйилади.

Тақдимотда Агросаноатни ривожлантириш агентлигининг фаолияти кўриб чиқилди.

Ўтган йилда 44 минг гектар самарасиз ерларда интенсив ва саноатлашган боғ ҳамда тоқзорлар ташкил қилиб, 37 минг иш ўрни яратилди.

Бу ерларда ташкил этилган боғ ва тоқзорлар 2027 йилдан ҳосил беришни бошлаб, йилига 660 миллион доллар мева-сабзавот экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади. Масалан, Сўҳда 500 гектарда олма, малина ва ўрик, Термиз туманида 164 гектарда ўрик ва шафтоли, Оҳангарон туманида 309 гектар, Булунғурда 550 гектар ҳамда Қувада 60 гектар ерда узумнинг “Аватар” нави, Поп туманидаги 504 гектарда эса шафтоли ва олхўри плантациялари ташкил этилди.

Мазкур ишларни давом эттириб, 2026 йилда 25,5 минг гектар мева-ли боғлар ва 5 минг гектар узумзорлар ташкил қилиб, 48 минг доимий ҳамда мавсумий иш ўринларини яратиш зарурлиги қайд этилди.

Ҳар йили мамлакатимизга 60 миллион долларлик кўчатлар импорт қилинмоқда. Ушбу кўчатларни Европа стандартлари асосида ўзимизда тайёрлаш учун барча имкониятлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Бу борада агентлик томонидан 200 дан ортиқ мева турларининг вирусдан холи, юқори ҳосилли оналик навлари коллекцияси яратилган. Ушбу мева турларини кўпайтириш ва барча ҳудудларга етказиб бериш мақсадиди Бектемир туманида 50 гектар, Юқори Чирчиқ туманида эса 75 гектарлик “инвитро” лабораториялари ва оналик кўчатхоналаридан иборат мажмуалар ташкил этилмоқда.

Ушбу мажмуаларни йил якунигача ишга тушириб, йиллик 27 миллион туп кўчат тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Президентимиз тақдимотда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Ў.А.

СЎЗ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИГА ЭҲТИРОМ

9 февраль. Эрта тонгдан пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида сўз мулкининг султони, ўзининг муаззам асарлари билан миллионлаб қалбларни забт этган улуг амир, мутафаккир, шоир Мир Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллиги муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

Адабиёт байрами аввалида шоир ижодига оид китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Миллий боғ ичра янграган мумтоз ашула ва куйлар эса йиғилганларни Алишер Навоий сўзи ҳамда ўлмас ғояларини яна бир бор англашга чоғлади.

Шукуҳ



Ижодкор зиёлилар, навоийшунос ва адабиётшунос олимлар, шоир-ёзувчилар, чет эллардан ташриф буюрган меҳмонлар ҳамда талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари жам бўлган адабий-маърифий тадбирни Ўзбекистон Ёзувчи-

лар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид очди.

Тадбирда сўз олганлар улуг шоирнинг эзгуликларга тўла ҳаёти, бебаҳо ижодий мероси улкан қадр-қимматга эғалиги борасида фикр юритди, унинг асарлари



жаҳон мамлакатлари ва халқларининг бебаҳо маънавий бойлигига айланганини бот-бот таъкидлади.

Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг ма-

ҳаллий ва хорижий талабалари ўзбек ҳамда турли хорижий тилларда Алишер Навоий шеърларидан ўқиди. Буюк шоир ғазалига басталанган мақом ашулалари йиғилганларга кўтаринки шукуҳ улашди.



ЁШЛАР — ЖАМИЯТНИНГ ЯРАТУВЧАН КУЧИ

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида 6 — 9 февраль кунлари “Ёшлар фикри — парламент кучи” шiori остида “Парламент оромгоҳи” лойиҳаси ўқув семинарлари ўтказилди.

Семинар

Унинг илк кунинда Ёшлар парламентининг II ялпи ййғилиши ҳамда лойиҳанинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ёшлар парламенти аъзоларининг келгуси олти ойлик фаолият режалари атрофлича муҳокама қилиниб, ҳар бир йўналиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Сўзга чиққанлар ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қонун ижодкорлиги ва жамоатчилик назоратига кенг жалб этиш масалаларига тўхталиди. Шунингдек, коррупциянинг олдини олишга қаратилган “Аксилкоррупция волонтерлик фаолияти”да Ёшлар парламентининг ўрни ва вазифаларига алоҳида урғу берилди.



Тадбир доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева “Парламент оромгоҳи” ўқув семинарида иштирок этаётган Ёшлар парламенти аъзолари билан учрашув ўтказди.

Ёшларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлардаги ўрни ва фаоллигини кучайтириш, шунингдек, уларни қонун ижодкорлиги жараёнлари, жамоатчилик назорати ҳамда ҳудудий муаммоларни ҳал этишга кенг жалб қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Сиёсий партиялар фракцияларида

МУНОЗАРАЛАР ҚИЗҒИН, ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР АСОСЛИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг ййғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2025 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси ййғилишида дастлаб давлатимиз раҳбарининг Покистон Ислон Республикаси Бош вазирининг таклифига биноан шу йил 5-6 февраль кунлари ушбу мамлакатта давлат ташрифининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

— Ташриф Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклигини мазмун жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди, — деди

фракция аъзоси Атхам Назиркулов. — Айниқса, музокаралар якунида имзоланган Қўшма декларация ва устувор йўналишлар бўйича 30 га яқин муҳим ҳужжатлар бу ҳамкорликнинг мустақам ҳуқуқий ва амалий асосини яратди. Эришилган келишувлар нафақат икки мамлакат, балки бутун Марказий ва Жанубий Осиё минтақасида барқарорлик, тараққиёт ва ўзаро боғлиқликни кучайтиришга хизмат қилади.



2026 ЙИЛДА

“Рақамли
стартаплар”
дастури
кенгайтирилиб,
стартап ғоясидан
то экспортгача
кўмаклашадиган
янги тизим йўлга
қўйилади.

Бунда хусусий стартап марказларини
ташкил этиш учун Ёшлар жамғармасидан
беш йил муддатга

5 миллиард сўмгача
фоизсиз ссуда берилади;

олийгоҳларнинг ўзида қоладиган
маблағларнинг **10 фоизи** ҳам
инкубация марказларини
ривожлантиришга йўналтирилади;



шу билан бирга, Марказий
банкда Молиявий технологиялар
офиси ва Инновацион хаб ташкил
этилиб, унга Сингапурдан
мутахассислар жалб қилинади;

бу орқали йилига 20 — 30 та
молиявий технологиялар
стартапини ташқи бозорга олиб
чиқиш, уларга жами
1 миллиард
доллар инвестиция жалб этиш
имконияти яратилади.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

ЎЗАРО ҲУРМАТ ВА ИШОНЧ — ИККИ ҚАРДОШ ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ КЎПРИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг яқинда Туркияга расмий ташрифи бутун дунёда катта акс садо берди. Сийёсатчилар, соҳа экспертлари ва мутахассислари, зиёлилар оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали ушбу воқеликка ўз муносабатини билдирмоқда. Қарашлар турфа хил, албатта. Лекин уларнинг аксариятида мазкур ташриф Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклиги янги босқичга чиққанининг ифодаси экани таъкидланмоқда.

Мушоҳада

Дарҳақиқат, икки қардош мамлакат ўртасидаги муносабатлар жамал суръатларда ривожланыпти. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Анкара шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик қонунчилигининг тўртинчи йиғилиши якунлари юзасидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун берган баёнотида қайд этди.

Давлатимиз раҳбарининг сўзларига кўра, кенгаши доирасида ўтказилган музокаралар, шуниингдек, гуманитар соҳадаги қўшма лойиҳалар тарихий аҳамиятга эга.

Икки халқнинг маънавий яқинлиги ҳақида гапирар экан, халқ мақолини эслади: “Диллар бир бўлганда йўللар қисқаради. Бизнинг ти-

лимиз бир, дилимиз бир, ниятимиз ҳам бир”.

— Она тилимиз ва муқаддас динимиз яқинлиги боис қардош турк ва ўзбек халқларини ҳеч қандай масофа ажрата олмайди, — деди Президентимиз.

Бу сўзлар оддий дипломатик тақаллуф эмас. Мазкур иборалар икки давлат муносабатларини таърифловчи расмий формулалар ҳам эмас. Бу сўзлар — икки қардош халқ ўртасида шаклланган умумий тақдир онгининг давлат даражасида эълон қилинишидир.

Бугун Туркиянинг дунёдаги тутган ўрни Ўзбекистонда диққат билан кузатишмоқда. Бунинг сабаби — Туркия жаҳонда ўз йўлини излар экан, қудратли актор давлатларнинг “розилиги”га суянаманган ҳолда қарор қабул қилаётганидир.



Ўз аҳдини ўзи белгилайдиган ва бунинг учун жавобгарлиқни зиммасига олган ҳар бир давлат Ўзбекистон халқининг ҳурматини қозонади.

Биз, ўзбеклар учун Туркия бошқа бир давлат бўлиши мумкин, аммо у ҳеч қачон бегона бўлмаган. Шу билан бирга, ўзимизни бошқа бир кимлик ичида “эритиш” заруратини ҳам сезмаймиз. Биз — ўзбекмиз. Ўз тараққиёт йўлига эга, ўз тили, тарихи ва давлат анъаналари бўлган Ўзбекистонмиз. Туркия эса биз учун бир илдишдан озиқланган, аммо тарихнинг бошқа

йўлида камол топган қардош бир давлат. Шу боис ўзаро муносабатлар фақат тарихий яқинлик устига эмас, бугун бир-биримизни қандай англаётганимиз, қадрлаётганимиз, ўзаро ҳурмат, садоқат, ҳар қандай вазиятда ёнма-ён тура олиш тамойилларига асосланмоқда.

Халқларимиз ўртасидаги бундай самимий муносабат ҳаётий синовдан ўтган. Жумладан, Туркияда юз берган вайронкор zilzila оқибатларини бартараф этиш, ҳудудни тиклашга Ўзбекистон катта ҳисса қўшди. Ҳатай вилоятида алоҳида тураржой мажмуаси барпо қилинди. Шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, технология ва бошқа соҳаларда тенглик асосида йўлга қўйилган ҳамкорликлар бу муносабатнинг энг мустаҳкам кафолатидир.

Қадим Туркистон билан Анадўлу ўртасидаги энг мустаҳкам кўприк умумий академик тафаккурдир. Қўшма тиббий дастурлар, биргаликдаги илмий-тадқиқот марказлари, олимларнинг эркин ҳаракати бу қардошлиқни роман-

тик тушунчадан стратегик даражага олиб чиқади. Самарқанддаги бир олим билан Анкарадаги бир академикнинг ёнма-ён, тенг ҳамкор сифатида ишлаши — мудофеа ёки савдо каби муҳим масала.

Ўзбекистон ёш давлат, аммо хотираси қадимдир. Мустақилликдан кейинги даврнинг барча синовларини бошдан кечирган, шунга қарамай ўзлигини сақлаб қолган давлатдир. Бугун тараққиётнинг янги даврида одимлар эканмиз, йўл кўрсатувчи излама-япмиз. Биз ҳурматга асосланган дўстликка суянапмиз. Туркия бу борада ишончли ҳамкорларимиздан бирidir.

Туркия яхши англайди: Ўзбекистон фақат тарихий хотира эмас, Марказий Осиёнинг юрагига да мустаҳкам қад ростлаётган, ўз оёқлари устида турган минтақавий кучдир. Бу англашув икки қардош давлат ўртасидаги кўприкни янада мустаҳкамлайди.

Жасур РИЗАЕВ,
Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, профессор.

Халид Таймур АКРАМ:

ЎЗБЕКИСТОН ЕТАКЧИСИНING ТАШРИФИ ПОКИСТОНЛИКЛАР УЧУН МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА ТАРИХИЙ ВОҚЕАДИР

Покистоннинг “Умумий келажақ жамияти” таҳлил маркази раҳбари Халид Таймур Акрам “Дунё” АА учун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 5-6 февраль кунлари Исломободга амалга оширган давлат ташрифи якунлари бўйича фикр билдирди:

Акс садо

— Ўзбекистон Президентининг Покистонга давлат ташрифи биз, покистонликлар учун алоҳида аҳамиятга эга тарихий воқеадир. Бу ташрифини фақат расмий дипломатик протокол доирасидаги тадбир деб эмас, балки умумий тарих, муштарак маданий қадриятлар ва асрлар давомида шаклланган самимий биродарлик муносабатлари билан боғланган яқин дўстининг ташрифи сифатида қабул қилдик.

Президент Шавкат Мирзиёев шахси Покистон жамоатчилиги учун ҳам Ўзбекистон раҳбари, ҳам минтақавий барқарорлик, очик мулоқот ва ўзаро ишончга асосланган сиёсатни илгари сураётган давлат арбоби ўлароқ яхши таниш. Шу маънода, мазкур ташриф икки томонлама муносабатларни янги сифат босқичига олиб чиқишга қаратилган муҳим қадам бўлди.

Покистон Бош вазир Шайх Абдул Латиф Зардорий хамда бошқа юқори мартабали расмий шахслар билан бўлиб ўтган музокаралар жуда мазмунли, ўзаро ишонч ва конструктив руҳда кечди. Учрашувлар давомида сиёсий мулоқотни янада чуқурлаштириш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, транспорт-логистика боғлиқлиқни мустаҳкамлаш ва минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган қатор муҳим қелишувларга эришилди.

Айниқса, Ўзбекистон — Покистон бизнес форумида Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқи алоҳида эътиборга сазовор бўлди. Давлатингиз раҳбари фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва чарм саноати, озик-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, энергетика хамда логистика соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича аниқ ва амалий тақлифларни илгари сурди. Покистонлик инвесторлар учун яратилган қўлай инвестиция муҳити, солиқ ва боғжона имтиёзлари

ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ишончим комилки, ушбу имкониятлар покистонлик ишбилармон доиралар томонидан фаол тарзда қўллаб-қувватланади. Чунки Покистон томони Ўзбекистон билан яқин дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва иқтисодий шериклиқни стратегик даражага кўтаришдан ниҳоятда манфаатдор.

Президент Шавкат Мирзиёев сўнгги йилларда Ўзбекистонни модернизация қилиш, очик ва рақобатбардор иқтисодиётни шакллантириш хамда давлат бошқарувини ислоҳ этиш бўйича аниқ, изчил, прагматик йўлни белгилаб берди. Бугун Ўзбекистон, ҳақиқатан ҳам, хорижий инвесторлар, сайёҳлар ва халқаро ҳамжамият вакиллари ишонч билан қараётган, ҳамкорликка интилган давлатга айланди.

Марказий Осиё минтақасида Ўзбекистон ўзининг аниқ стратегик қараши, қўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган фаол сиёсати хамда минтақавий барқарорлик ва тараққиётга қўшаётган ҳиссаси билан етакчи ўринни мустаҳкамлаб бормоқда. Бу Покистон учун ҳам Ўзбекистонни ишончли ва узоқ муддатли стратегик шерик сифатида қўриш имконини янада оширади.

Умид қиламанки, Покистон келгусида ҳам Ўзбекистонда амалга оширилган хамда келгусида амалга ошириладиган кенг кўламли иш-хотларни қўллаб-қувватлаб, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар соҳаларда ишончли ҳамкор бўлиб қолади. Ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатлар уйғунлигига асосланган Ўзбекистон — Покистон муносабатлари келгуси йилларда янада юксак босқичга кўтарилиши, шубҳасиз.

«Дунё» АА.
Исломобод

МИЛЛАТ ТАРАҚҚИЁТИНИ КЎЗЛАБ



Авлодлар ўртасидаги боғлиқлик оддий урф-одат эмас, балки миллат тараққиёти ва келажақ истиқболни таъминлайдиган мустаҳкам таянчдир. Тажриба, илм-фан хамда ёшлик ғайрати бир нуктада жам бўлган лаҳзаларда юксак марралар кўзда тутилади, эзгу ташаббуслар шаклланиб, катта орзулар рўёби сари йўл олади.

Учрашув

Ана шундай маънавий муҳит хамда юксак ғоя Тошкент давлат аграр университетида ўтказилган “Уч авлод учрашуви” маданий-маърифий тадбирида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

“Нуроний” жамғармаси Республика бошқаруви раисси, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор С. Турдиев, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор Ш. Аюпов, профессор-ўқитувчилар, докторантлар, магистрлар хамда талаба-ёшлар қатнашган

ушбу тадбирда дастлаб университетнинг санъат галереяси хамда “Она сиймоси” кўргазмаси билан танишилди.

Шундан сўнг мазкур университет ректори Н. Обломуродов тадбирнинг моҳияти ҳақида тўхталиб, “Уч авлод учрашуви” ёшлар учун муҳим аҳамият касб этиши, Ванга садоқат хамда илм-маърифатга бўлган қизиқишнинг янада оширишда алоҳида ўрин тутишини таъкидлади.

Тадбир давомида Ўзбекистон Қаҳрамонлари ўзларининг ҳаётий йўллари, илмий излаишлари, Янги Ўзбеки-

стон шароитида ёшларга берилаётган кенг кўламли имкониятлардан тўғри фойдаланиш нақадар муҳимлиги ҳақида алоҳида тўхталди. Жумладан, университет ёшлари илмий, маърифатли бўлиб камол топишлари учун юртимизда яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланган ҳолда юқори натижаларни қўлга киритаётгани эътироф этилди. Маърузалар давомида талабалар қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олиш билан бирга, нуроний устозлар ва иқтидорли ёшларнинг фикрлари

тадбирга янада мазмун бағишлади. Яқунда университет раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Қаҳрамонлари фаолиятига бағишланган “Замин билан туташ тақдирлар” китоби тақдим этилди. Ўз навбатида, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси томонидан талабаларга китоблар туҳфа қилинди.

Тўлқин АБДУРАЙИМОВ,
Тошкент давлат аграр университети масъул ходими.

ЗАРДАРЁ — «ЯШИЛ» ЭНЕРГИЯ МАНБАИ

Муқобил электр қуввати ишлаб чиқариш борасидаги изланишлар Мингбулоқ туманида фаолият кўрсатаётган “Rah Abrisham trade” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонада янги тармокни йўлга қўйиш имконини берди. Тадбиркорлик субъекти ҳудуддан оқиб ўтган Зардарё каналининг махсус тўсиқ билан жиҳозланган қисмига Эрондан келтирилган кичик ҳажмли гидроэлектростанцияни ўрнатиш орқали “яшил” энергия ишлаб чиқаришга киришди.



энергия асосий тармокқа юборила бошлайди.

Мулкбод маҳалласида рўёбга чиқарилган ушбу лойиҳа ҳудуддаги тадбиркорларга ҳар жиҳатдан маъқул тушди. Уларнинг бир нечаси Зардарё каналининг тезоқар қисмларида шу сингари арзон ва қўлай кичик энержоқурилмалар ўрнатишга қизиқиш билдирмоқда.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

ҚИЗИҚИШ БИЛДИРИШГА СЎРОВ

«Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик» лойиҳаси

Кредит рақами: 7425-UZ

Хизмат тавсифи: “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ “Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик” лойиҳаси доирасида, “UZ-DIP-535400-CS-INDV – қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш” хизматлари учун халқаро малакали индивидуал консултантларни қизиқиш билдиришга таклиф этади.

Қизиқиш билдиришнинг охириги муддати:

2026 йил 20 февраль, соат 18:00.

Батафсил маълумот учун: udip@it-park.uz, 71-209-11-99 (1037).

«Elektron Realtor» МЧЖ



тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142-сонли қарорига асосан “O‘zsanoatqurilishbank” АТБ балансида бўлган:

Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани, “Мингчинор” МФЙ, Истиклол кўчаси, 3-уйда жойлашган иссиқхона ва дала шийпони бинолари сотилади.

Сотиш шарти ва нархи билан “www.e-rieltor.uz” сайти орқали танишиш мумкин.

Савдога қўйилган мулкларни бевосита жойига қилиб кўриш имконияти мавжуд.

Савдога иштирок этиш учун талабгорлар “e-rieltor.uz” платформаси орқали ариза беради.

Call-марказ: +99855-517-22-20.
Расмий сайтимиз: www.e-rieltor.uz



КОИНОТДА ҒАРОЙИБ ШАҲАР ҚУРИЛАДИ

Америкалик миллиардер Илон Маск Ойда ilk шаҳар 10 йилдан кам муддат ичида пайдо бўлиши мумкинлигини маълум қилди.

“SpaceX” раҳбарининг айтишича, компания ушбу мақсадни ўзи учун энг устувор вазифалардан бири деб билади.

“SpaceX” ўз эътиборини Ойда ўз-ўзини ривожлантира оладиган шаҳар қуришга қаратди. Чунки бу мақсадга 10 йилдан кам вақт ичида етишишимиз мумкин. Марс ҳолатида эса бунга 20 йилдан ортиқ вақт талаб этилади”, деди тадбиркор.

Маскнинг қўшимча қилишича, Марсга парвоз қилиш имконияти ҳар 26 ойда бир марта яратилади ва саёҳат тахминан ярим йил давом этади. Ойга эса ҳар 10 кунда бир марта парвоз уюштирилиб, сафар муддати икки кунни ташкил қилади.

ЗАРАРЛИ КОНТЕНТ ЎТА ХАВФЛИ

Интернетда сунъий интеллект томонидан яратилаётган зарарли контентлар сони ортиб бораётгани муносабати билан БМТ тузилмалари болаларни зўравонлик, эксплуатация ва руҳий жароҳатлардан ҳимоя қилиш учун зудлик билан чоралар кўришга чақирди.

Халқаро электралоқа иттифоқининг Электралоқа ривож бюроси директори Космас Завазава болалар дуч келаётган таҳдидларнинг кенг доираси мавжудлигини маълум қилди. Болалар ҳимояси бўйича ишловчи ташкилотлар маълумотига кўра, жиноятчилар сунъий интеллектдан боланинг интернетдаги хатти-ҳаракатлари, ҳаяжонли ҳолати ва қизиқишини билиш учун фойдаланиши, шундан сўнг уни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, жорий йил аввалида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шугулланувчи БМТ тузилмалари “Сунъий интеллект ва бола ҳуқуқлари” бўйича қўшма баёнотни имзолаган эди. Унда айтилишича, бу борада жиддий хавфлар мавжуд. Шу боис тартибга солиш учун кўпроқ амалий йўриқномалар зарур.

ЧЎЛ БЎСТОНГА АЙЛАНАДИ

Ар-Риёд яқинида очилган “Six Flags Qiddiya City” дам олиш боғи “Qiddiya” лойиҳасининг бир қисми бўлиб, унинг мақсади Арабистон чулининг катта ҳудудини дунёдаги энг йирик кўнгилочар ва туризм марказларидан бирига айлантиришдан иборат.

Келажақда бу ерда киберспорт аренаси, стадион ва аквапарк ҳам бўлиши режалаштирилган. 32 гектар майдонни эгаллаган “Six Flags Qiddiya City” — “Six Flags” тармокнинг Шимолий Америкадан ташқарида қурилган ilk мажмуаси бўлиб, уни қуриш қарийб тўрт йил давом этди.

Саудия Арабистонида оид яна бир янгилик. Подшоҳликда баландлиги 2 минг метрга етадиган “Rise Tower” минораси қурилиши режалаштириляпти. “Time Out Dubai” нашрининг хабарига кўра, минора Дубайда жойлашган “Бурж Халифа”дан икки баробар баланд бўлади. Мажмуа 678 қаватдан иборат бўлиб, ундан ҳашаматли меҳмонхоналар, ресторанлар ҳамда замонавий бизнес марказлари жой олади.

КУБАДА АНОМАЛ СОВУҚ

Мамлакат миллий метеорология институти мутахассислари хабар беришича, бу рекорд кўрсаткич 3 февраль куни соат 07:00 да мамлакат ғарбидаги Матанас вилоятида қайд этилди. Бундан аввал “совуқ рекорд” 1996 йил февралда рўйхатга олинган эди. Ўшанда ҳарорат 0,6 даражагача пасайган.

Метеорологларнинг айтишича, аномал совуққа Шимолий Америкадан кириб келган кучли арктик ҳаво оқими сабаб бўлган. Жуда қуруқ ҳаво, очик осмон ва шамолнинг йўқлиги туфайли ҳарорат кескин пасайган.

Кузатилган бу йилги совуқ ҳарорат нафақат Куба, балки Марказий Америка ва Қариб ҳавзасининг бошқа мамлакатларида ҳам рекорд кўрсаткичларни янгилади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Куба тропик иқлим зонасида жойлашган бўлиб, қишда ҳаво ҳарорати ўртача 23-24, ёзда 27 — 30 даражани ташкил этади.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТУЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

СЎЗ МУЛКИНИНГ
СУЛТОНИГА ЭЎТИРОМ

Таъкидлаш жоизки, ўзининг нодир асарлари ва юксак инсоний хислатлари билан башариятни асрлар давомида адолат, комиллик, эзгулик сингари олийжаноб фазилатларга чорлаб келаётган улуг бобокалонимиз нафақат халқимиз, балки дунё аҳли томонидан айрича меҳру муҳаббат билан эъзозлаб келинади. Хусусан, ўтган йили Ўш шаҳрида Алишер Навоий хайкали қурилгани, шоир асарлари итальян тилида чоп этилгани сўзимизнинг тасдиғидир.

Дунё аҳли бугун-бугунгача ҳазрат Навоийнинг серқирра ижоди ва ибратли ҳаёт йўлини катта қизиқиш билан ўрганади, мангуликка дахлдор фикр ва ғояларида баҳра олади. Зеро, унинг сиймоси шоир-ёзувчилар ва адабиёт муҳиблари учун сўз мулкининг султони, олиму фузалолар учун тенгсиз мутафаккир, давлат хизматчилари учун моҳир давлат арбоби, ёшлар учун маънавий комиллик сари етаклайдиган устоз, кексалар учун эса содик маслакдош ўлароқ ҳамisha ҳамроҳдир.

— Алишер Навоий атоқли шоир, халқ манфаатларини барча нарсадан устун қўйган давлат арбоби ўлароқ яшаб фаолият юритган буюк шахсдир, — дейди Алишер Навоий фонди директори Олимжон Давлатов. — Ул зотнинг асарларида тарииб этилган инсон-



Ақшол МУҲАММАДОВ олпон суратлар.

парварлик, адолат, ватанпарварлик ва комил инсон ғоялари нафақат биз, балки барча даврлар учун ҳам аҳамиятли. Айниқса, шоирнинг нафис ғазалу дostonларида тараннум этилган қарашлар ёш авлод тарбиясида муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда, десак, муболага эмас.

Маърифий-бадий дaстур якунида кенг жамоатчилик иштирокида Алишер Навоий хайкали пойига гул қўйиш маросими ўтказилди.

Шундан сўнг навоийхонлик кечалари Адиллар хиббонидаси атоқли адилларнинг хайкал-

лари пойида ёзувчи ва шоирлар, олий ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирокидаги адабиёт ва китобхонлик тадбирлари ўтказилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси — Спичрайтери Хайриддин Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбасари, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамova иштирок этди.

«Халқ сўзи».

Эътироф

Алишер Навоийнинг бетакорр ижодий мероси асрлар оша севиб мутолаа қилинаётгани, фусункор каломлар ила бойитилган китоблари қўлдан-қўлга, дилдан-дилга ўтаётгани, шунингдек, дунёнинг тийрак назарли олимлари томонидан қайта-қайта ўрганилаётгани беҳиз эмас. Улуғ мутафаккир даҳоси башарият аҳлига эзгулик, юксак инсоний фазилатлар, сўнмас муҳаббат у меҳр сабоқларини бериб келмоқда.

Яшар ҚОСИМ:

МУАЗЗАМ ЗАМОН ҲАР ЛАҲЗАДА
МУТАФАККИР ҲИКМАТЛАРИ
ҲАЁТИЙЛИГИНИ ТАСДИҚЛАБ КЕЛМОҚДА

— Наинки ўтган беш аср, балки Алишер Навоий ҳаётий қочидаёқ унинг ижодини тарғиб қилганлар, устоз санъаткорга назир битганлар, асарларини турли тазкиралару баёзларга киритганлар кўп бўлган, — дейди озарбайжонлик олим, филология фанлари доктори, профессор Яшар ҚОСИМ. — XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларига келиб эса рус шарқшунослари, туркологлари ва Шарқ адабиёти бўйича бошқа мутахассислар Навоий асарларига мунтазам муножаат этиб, унинг “Хамса”сини, асосан, қиёсий адабиётшунослик контекстида таҳлил қилган. Олимларнинг адабий-назарий таҳлилларида шоир ижодининг кўплаб хусусиятлари ва фазилатлари алоҳида қайд этилган.

Мутафаккирнинг ниятда машаққатли меҳнати туркий адабий тилининг шаклланиши ва тақомиллашувида катта хизмат қилди. Бу тилининг форс тили даражасидаги юксак ва ривожланган адабий тил макомига кўтарилишига бекиёс ва мислсиз таъсир кўрсатди. Бу, албатта, улуг сўз санъаткорининг Шарқ адабиёти миқёсида барчанинг эътирофига сазовор бўлган улкан воқеалик — “Хамса”нинг яратилиши билан боғлиқ эди.

Алишер Навоий ижоди айнан умумтуркий Ренессанс миқёсида туркий халқлар сўз санъатининг барча муҳим тараққиёт босқичларини ўзида муассасам этган оламшумул адабиётдир.

Буюк этнос ва унинг сўнгги улуг импе-

Алишер Навоийнинг бетакорр ижодий мероси асрлар оша севиб мутолаа қилинаётгани, фусункор каломлар ила

бойитилган китоблари қўлдан-қўлга, дилдан-дилга ўтаётгани, шунингдек, дунёнинг тийрак назарли олимлари томонидан қайта-қайта ўрганилаётгани беҳиз эмас. Улуғ мутафаккир даҳоси башарият аҳлига эзгулик, юксак инсоний фазилатлар, сўнмас муҳаббат у меҳр сабоқларини бериб келмоқда.

Р. БОБОЖОНОВ

«Халқ сўзи» ёзиб олди.

Хабарлар

ШОИР ДАҲОСИГА
ТАЪЗИМ

Алишер Навоий таваллудига бағишланган тадбирлар, маърифий-бадий кечалар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда давом этмоқда.



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИдаги Алишер Навоий хиббонидасида ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар ҳазрат Навоий илгари сурган инсонпарварлик, адолат, маърифат ва эзгулик ғоялари бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар мазмун-моҳияти билан уйғун эканини таъкидлади. Айниқса, бугунги долғали замонамизда улуг шоирнинг тинчлик, бунёдкорлик ва эзгуликка қароволсиз буюк башариятнинг қадр-қиммати янада юксалмоқда.

Тантанали тадбир адабий-бадий дaстур билан давом этиб, баркамол авлод вақиллари ижросида Алишер Навоий ғазаллари янгради,



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИдаги Денов тадбиркорлик ва педагогика институтида миллий тафаккур меъморига ҳурмат қўрсатилиб, унинг шарафига хайкал ўрнатилди.

Хайкалнинг очилиш маросимида улуг бобокалонимиз ҳаёти ва ижоди ҳақида атрофлича сўз юритилди. Навоий ижодининг бадий-эстетик қудрати, туркий тил тараққиётидаги тарихий ўрни, маънавий-маърифий меросининг ёшлар тарбиясидаги бекиёс аҳамияти алоҳида таъкидланди. Ҳазрат Навоий нафақат мумтоз шоир, балки миллий тафаккур меъмори, маърифатпарвар давлат арбоби сифатида эътироф ила таърифланди.

Ул зотнинг муборак сиймоси акс этган хайкал нафақат буюк шоир хотирасини абадийлаштириш, балки ёш авлоднинг ватанпарварлик, миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашга хизмат қилди.

«Халқ сўзи».

РУҲНИ ПОКЛОВЧИ УЛУҒВОР
ҒОЯЛАР РЎЁБГА ЧИҚМОҚДА

Шу кунларда юртимизда мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллиги кенг нишонланмоқда. Дунёнинг Токио, Шанхай, Анкара, Сеул, Боку, Москва, Остона, Душанбе, Лакителек, Минск, Ўш каби йирик шаҳарларида шоир хайкаллари пойига гулчамбарлар қўйилмоқда.

Сурур

Мамлакатимиз раҳбарининг Навоий вилоятига илк ташрифида “Ота-боболаримиздан қолган яхши анъаналарни давом эттириб, навоийхонлик, бобурхонлик, машрабхонлик кечалари ўтказсак, бу борада Навоий вилотида бошқаларга ўрнак бўлиши керак. Ўзингиз айтинг, бу масалада Алишер Навоий бобомиз номи билан аталадиган вилоят ўрнак бўлмаса, ким намуна бўлади?” деган даъвати эътиборга молиқдир.

Навоийшунослар
анжумани

2017 йилдан буюн Навоий вилотида Алишер Навоий таваллудига бағишлаб халқаро конференциялар ўтказиб келинмоқда. Мазкур анжуманлар туфайли шоир ижодий меросининг янги қирралари кашф этилиб, илмий тадқиқотлар муҳокама марказида бўлди. Буюк мутафаккир ижодини ўрганиш бўйича услубий қўлланмалар яратилди. Энг муҳими, бу анжуманлар навоийшунослар учун таъсирли адабий муҳитни шакллантирди.

— Бугун улуг аждодимиз асарлари жаҳондаги юзлаб тилларга таржима қилинмоқда, — дейди Навоий давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультети доценти Зариф Қувонov. — Дунё аҳли унинг мероси билан қизиқмоқда.

Тан олиш керакки, Навоийни англаш анча мураккаб. Шоир ижодини тушуниш учун ўша давр муҳитини ҳис этиш, ҳар бир байтини қайта-қайта ўқиш, унинг мағзини чақиш зарур. Афсуски, асрлар оша мутафаккир бобомиздан бироз йироқлашганимиз ҳам бор гап. Албатта, бунда собиқ шўро мафқураси қўйган чекловлар, кетма-кет алиф-боларнинг алмаштирилиши каби муайян сабаблар бор. Бироқ етти ёт тилдагилар тадқиқ этиб, асарларидан баҳра олаётганида бу ваялар оғир таскиндан бўлак нарсаси эмас.

— Алишер Навоий ўн бешинчи асрда туркий оламини яқна адабий муҳитга бирлаштирган эди, — дей-

ди “Алишер Навоий ва Шарқ Ренессанси” IV халқаро симпозиумида иштирок этган Анкара шаҳридаги Бошкент университети профессори Абдулрахман Гүзел. — Бугунги кунда ҳам бутун дунё навоийшунослари Ўзбекистон атрофида жипслашмоқда.

Президентимиз симпозиум иштирокчиларига йўллаган табригида бу мумтоз сиймо жаҳон адабиёти мезонларига, замон ва тарих синонларига тўла жавоб берадиган дурдона асарлар яратиб, нафақат ўзбек, балки барча туркий адабиётлар ривожига бекиёс ҳисса қўшгани юксак ҳайрат ва таҳсинга муносиблигини эътироф этганди.

— Мен асли Балхда туғилганман. АҚШда яшаб навоийшунослик бўйича тадқиқотлар олиб бормоқдаман, — дейди Принстон университетини профессор Саид Ризо Жалолой Балхий. — Ўзбек

халқининг тарихи ва маданияти билан турли кўргазмалар орқали танишман. Мамлакатимизга океанортиндан келиб амин бўлдимки, Навоий шаҳри ҳақиқатан зебо экан. Ҳозир дунёда Алишер Навоийни ўрганиш жуда қўллар рақурслардан олиб боришмоқда. Мен буюк мутафаккир ижоди ва фаолияти инсоният бугун рўбарў келаётган бўшлиқларни тўлдирётган даҳо, деб биламан. Шоирнинг бетимсол даҳоси қарийб олти асрки, башар аҳлига йўл кўрсатмоқда. Шу боис неча-неча авлод унга талпинади. Инсонга хос жами фазилатлар сирини улуг мутафаккирнинг ибрати ва ижодидан излашга эҳтиёж сезади. Бу маънавий эҳтиёж одамзоднинг руҳни покловчи чашмага бошлайди.

Ўтган йили Навоий вилотида

“Алишер Навоий йили” деб эълон қилингани ҳам эътирофга сазовор. Шу муносабат билан Президентимизнинг “Буюк шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоий ижодий меросини юртимиз ва жаҳон миқёсида кенг тарғиб қилиш ҳамда Навоий вилотида “Алишер Навоий йили”ни юқори даражада ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унда “Алишер Навоий ва Шарқ Ренессанси” анъанавий IV халқаро симпозиуми ва навоийхонлик тадбирларини юқори савияда ўтказиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолияти билан боғлиқ ҳолда сўлим бог ва хиббонлар ташкил этиш, Навоий шаҳрида барпо қилинаётган “Янги Ўзбекистон” боғида буюк мутафаккирнинг хайкали ва “Хамса” дostonлари мавзусидаги рамзий дарвозалар

ни ўрнатиш ҳамда мемориал музей очилиш алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳар йили алоҳида режа асосида Алишер Навоий ижодига бағишлаб ижодий кечалар, танловлар, китоблар нашри ва тақдиротлар ҳамда илмий-адабий анжуманлар ўтказиш, ушбу тадбирларга талабалар, ёш ишқдорлар ва иктидорли ўқувчиларни жалб қилиш, уларни муносиб рағбатлантириш орқали Навоий вилотида таърибасини йўлга қўйиш, “Ҳазрат Навоийни англаш — ўзлигимизни англаш” мавзусида республика танловли, таълим ташкилотлари ва маҳалаларда “Навоийхонлик кечалари”ни ўтказишдек вазифалар белгиланди.

Халқ дарди билан
яшаш саодати

— Алишер Навоий саройдаги фаолиятида 200 дан ортиқ турли биналар қурилишига бош-қош бўлган, — дейди навоийшунос олим Тоҳир Ҳўжаев. — Мадраса, масжид, кўприк, бог, ҳовузалар барпо эттиргани, қурилишларда ишлаётган мингдан ортиқ мискинларга зиёфат қилиб, ширин таомлар улашгани, ҳар йили муҳтожларга 2000 га яқин пўстин, чакмон ва бошқа нарсаларни ҳаёда этиши саховат ва одамлиқнинг юксак намунасидир. Навоий бобомиз “Ҳайрат ул-абсор”да халқ ғамини ўйламайдиган, унинг дардларини тингламайдиган кишиларни ҳақиқий инсон деб бўлмаслигини таъкидлаб, яна бир байтида “Менга юз жафо етказсалар бир марта ҳам нолимайман, аммо халққа бир жафо қилсалар юз марта фарёд қиламан”, деб ёзади. Бу фикрлар халқини севган ҳар бир кишига чуқур ибрат, юксак намуна ифодасидир.

Мамлакатимиз раҳбари тамал тошини қўйган Янги Навоий шаҳарчаси ҳамда “Янги Ўзбекистон” мажмуаларида қурилиш ва бунёдкорлик ишлари жадал суръатлар билан олиб боришмоқда. Мазкур ҳудудларда ўтган йили жами 90,5 млрд. сўмлик қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоятнинг қатор шаҳар ва туманларида жами 18 млн. 192 минг туп дархат ҳамда гул қўнатлари ўтказилди. Йўллар, кўприклар қурилиб, таъмирланмоқда.

— Навоий шаҳрида замонавий типдаги янги, креатив дизайн, яъни катлоб таҳлили қўрилишига ага уч қаватли кутубхона қурилиши яқунланди, — дея давом этади Навоий давлат университети ўзбек тили ва адабиёти факультети доценти Зариф Қувонov.

Алишер Навоий даҳоси, унинг бой адабий-илмий меросидан баҳрамандлик улуг мутафаккирнинг бугунги кунда биз, авлодлар билан ёнма-ён эканининг исботидир. Буюк сиймолар изидан эргашши, уларга муносиб бўлиш истиғи эса наинки инсон, балки жамиятнинг ҳам баркамоллик сари етаклайверади.

Темур ЭШБОЕВ
«Халқ сўзи».

Ифтихор

Навоий
олами

Ҳазрат Навоийнинг ҳар бир сатрида,
Ёнма-ён яшайди қувонч ила ғам.
Ўлмас ғазалларнинг сирли қатида,
Ўн саккиз минг олам ҳусни мужжасам.

Навоий уммондир, чуқур нақадар,
Тубига етолмас бирор-бир инсон.
Бўйларим ўсади Тангригоф қадар,
Ҳазрат Навоийни ўқисам ҳар тон.

Навоийдан мерос ҳар битта сўзда,
Топарман илоҳий маъно ва тимсол.
Шул важдан интилар туркий алфозга,
Беш асрим аҳли башар, эҳтимол.

“Лисон ут-тайр”ни ўқиганим он,
Қўнғилим бўстонида яшнайди баҳор.
Аллоҳ қудратига келтириб имон,
Инкишоф этарман оламни тақдор.

Ҳазрат Навоийни ўқийман саҳар,
Лол бўлиб ҳаётбахш, нурли баётга.
Навоий йўллаган ҳар мужда, хабар,
Қайтадан келтирар мени ҳаётга.

Абдумажид АЗИМОВ.

Президентимиз фармонида кўра, 1 йиллик мактабга тайёрлов гуруҳларининг таълим дастури мажбурий умумий ўрта таълимнинг дастлабки босқичи сифатида киритилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюджетга Г — 242. 25 447 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; қўлибчи 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.
Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.35 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6